

ООО АО «BEST AUDIT SERVICES»

Манзил: Тошкент ш., Учтепа т., Катта Қани кўчаси 3-уй Банк: АТБ «УзСҚБ» Бош Офиси МФО: 00440
Ҳ/Р: 20208000605366324001 СТИР: 308334678 ИФУТ: 69202 Тел. (91) 214-53-35 mail:n_asilbek_n@bk.ru

«AGRO FINANS LIZING» АЖ
(СТИР: 206219586) ининг
Таъсисчисига ва Рахбариятига

МУСТАҚИЛ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

«AGRO FINANS LIZING» АЖининг
2023 йил якуни буйича тузилган молиявий
хисоботлар бўйича Аудит натижалари

Ижобий фикр

Биз «AGRO FINANS LIZING» АЖининг 2023 йил 31 декабр ҳолатига бўлган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи, бухгалтери баланси, шунингдек ҳисоб сиёсати аҳамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик.

Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисоботлар «AGRO FINANS LIZING» АЖ нинг 2023 йил 31 декабрга бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг молиявий натижаларини ва пул оқимлари ҳаракатини барча муҳим жиҳатларда Бухгалтерия ҳисоботининг Миллий стандартларига мувофиқ ҳаққоний тақдим этади.

Ижобий фикр билдириш учун асослар

Биз Аудитнинг халқаро стандартларига (АХС) га мувоқиқ аудит ўтказдик. Бизнинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу хулосанинг “Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги” бўлимида батафсил ёритилган. Биз корхонадан мустақил равишда Бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ стандартлари Кенгашининг (БХАСК) "Профиссионал бухгалтерлар учун ахлоқ" Кодекси талабларига ва ахлоқий қоидаларига, молиявий ҳисобот аудитига тегишли шартномага, ҳамда ушбу талабларга ва БХАСК Кодексида белгиланган бошқа мажбуриятларни бажарганмиз. Биз олган аудиторлик далиллари фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун етарли ва ўринли деб ҳисоблаймиз.

Аудитнинг муҳим масалалари

Аудитнинг муҳим масалалари- ушбу масалалар, бизнинг профессионал мулоҳазамиздан келиб чиққан ҳолда жорий давр учун молиявий ҳисоботни текшириш учун энг муҳим бўлган

масалалардир. Ушбу масалалар молиявий ҳисобот аудитида кўриб чиқилган ва биз ушбу масалалар бўйича алоҳида фикр билдирмаймиз.

Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва корпоратив бошқарув ваколатига эга шахсларнинг жавобгарлиги

Раҳбарият молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тўғри тақдим этиш учун, БХМС га мувофиқ фирибгарлик ва хатолик туфайли жиддий бўзиб кўрсатилган молиявий ҳисоботларни тайёрлаганлик учун, ҳамда раҳбарият томонидан қабул қилинган ички назорат тизими учун жавобгар.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият корхона фаолиятининг узлуксизлини баҳолашга, зарур ҳолларда узлуксиз фаолият билан боғлиқ бўлган ахборотларни ошкор этиш ва фаолият узлуксизлиги таҳминига кўра ҳисобот беришга жавобгар, агарда раҳбарият томонидан корхона фаолиятини тугатиш, фаолиятни тўхтатиш ёки бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса.

Корпоратив бошқарув учун масъул шахслар корхонанинг молиявий ҳисоботларини тайёрлашни назорат қилиш учун жавобгардир.

Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботлар фирибгарлик ва хатолик туфайли бўладиган жиддий нотўғри кўрсаткичлардан ҳоли эканлигига ишонч ҳосил қилиш, ҳамда аудиторлик фикрини аудиторлик ҳулосасида ақс эттириш. Асосли ишонч - ишончнинг юқори даражаси бўлиб, АХС (Аудитнинг Халқаро Стандартлари) га мувофиқ ўтказилган аудит ҳар доим ҳам мавжуд жиддий хатоларни аниқлай олишга кафолат эмас. Фирибгарлик ёки хатолик туфайли бузиб кўрсатишлар юзага келиши мумкин, ушбу бузиб кўрсатишлар ягона ёки жами бўлиб молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар иқтисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, муҳим ҳисобланади.

Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудитнинг бир қисми сифатида биз бутун аудит давомида профиссионал мулоҳаза юритамиз ва профиссионал скептицизмни қўллаймиз. Бундан ташқари биз қуйидагиларни бажарамиз:

- фирибгарлик ёки хатолик туфайли молиявий ҳисоботнинг жиддий бузилиши хатарини аниқлаш ва баҳолаш, ушбу хатарларга жавобан аудиторлик амалларини ишлаб чиқамиз ва бажарамиз, аудит фикри учун асос булиб хизмат қиладиган аудиторлик далилларини оламиз. Фирибгарлик натижасида муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик rischi хато туфайли муҳим бўзиб кўрсатишларни топилмаслик riskидан юқори, чунки фирибгар сохталаштириш, қасддан хато қилиш, нотўғри маълумот бериш ёки ички назорат тизимини четлаб ўтувчи ҳатти-ҳаракатларни амалга оширган бўлиши мумкин;
- корхонанинг ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида ўз фикримизни билдириш учун эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади;
- қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллиги ва ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг ифодаланишини баҳолаш;
- бухгалтерия ҳисоби ва бошқарувдан олинган аудиторлик далиллари асосида, корхонанинг фаолиятни узлуксиз давом эттириш қобилиятига жиддий шубҳа тўғдириши мумкин бўлган воқеалар ва ҳодисалар билан боғлиқ муҳим ноаниқликлар мавжудми ёки йўқлиги тўғрисида, раҳбарият фойдаланиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида ҳулоса қиламиз. Агар биз муҳим ноаниқликлар мавжуд деган ҳулосага келсак, аудит ҳисоботида молиявий ҳисоботдаги ноаниқликларни ёритиб беришга эътиборимизни қаратамиз ёки ноаниқликларни ёритиб бериш

имкони бўлмаса аудит фикрини ўзгартирамиз. Бизнинг аудит хулосамиз олинган аудиторлик далилларига асосланади. Келажакдаги воқеа ва ҳодисалар корхона фаолиятининг узлуксизлигига таъсир этиши мумкин;

➤ биз молиявий ҳисоботнинг тақдим этилишини, унинг тузилиши ва таркибини, шу жумладан маълумотларнинг ошкор қилинишини ва молиявий ҳисобот асосий операциялар ҳамда ҳодисаларни ишончли тарзда тақдим этишини баҳолаймиз.

Биз Корпаратив бошқарув учун масъул шахслар билан аудитни режалаштириш, аудит ўтказиш вақти ва аудитда аниқланган муҳим камчиликлар, шу жумладан аудит даномида аниқланган ички назоратдаги ҳар қандай камчиликлар тўғрисида алоқа қиламиз.

Биз шунингдек Корпаратив бошқарув учун масъул шахслар аудитнинг мустақиллигига тегишли барча ахлоқий талабларга риоя қилинганлиги тўғрисида баёнот берамиз ва ушбу шахсларга аудитнинг мустақиллигига таъсир қилиши мумкин бўлган барча муносабат ва масалалар тўғрисида хабар берамиз.

Биз Корпаратив бошқарув учун масъул шахсларга хабар қилинган масалалардан жорий давр молиявий ҳисоботи аудитида энг муҳим ва аудитнинг асосий масалаларини аниқлаймиз. Биз ушбу аудитнинг асосий масалаларини (Ёзма ахборот) аудит ҳисоботимизда ёритамиз, ушбу масалалар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиниши қонун ёки бошқа ҳужжатлар билан тақиқланган ҳоллар бундан мустасно, ёки биз камдан кам ҳолларда ушбу масалаларни ошкор қилмаслик керак деган хулосага келамиз. Чунки бундай ахборотнинг салбий оқибатлари ижобий оқибатидан ошади деб тахмин қилиш мумкин.

Мустақил аудит ўтказган аудитор раҳбари:

№05870 – рақамли аудиторлик малақа сертификати
2022 йил 27-февралда берилган

Аудиторлик ташкилоти директори:

26.06.2024 йил



Ахмедов З.Б.

Нодиров А.Н.